• *Олий Мажлис сессиясидан кейинги мулоҳазалар*

# ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун энг аввало инсофсиз ҳамда қаллоб ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар йўлига кучли тўсиқ бўлиши билан аҳамиятлидир.***

Уни ишлаб чиқишда «Ўздавлатстандарт» қўмитаси мутахассислари ҳам фаол иштирок этдилар. Ҳозир ушбу қўмита ўзининг ҳудудий идоралари ва бўлинмалари ёрдамида республикамизда сифатсиз маҳсулот тарқалишига барҳам беришга ҳаракат қилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида 1700 дан кўпроқ корхонада стандартлар талаби бажарилиши юзасидан давлат текшируви амалга оширилди. 2300 турдан ортиқ маҳсулот эса назоратдан ўтказилди. Ушбу текширишлар бу соҳадаги ишлар қониқарли эмаслигини кўрсатди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 50 фоиздан кўпроғи стандартларни бузувчилар рўйхатига киритилганлиги фикримиз далилидир. Масалан, «Одилнон» акционерлик жамияти текширилганда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу ерда маҳсулотни тамғалаш, сақлаш ва унинг сифати тўлиқ назорат қилинмаганлиги сабабли 150 тоннадан ортиқ ун яроқсиз, деб топилди. Корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш таъқиқланиб, 180 минг сўм жарима солинди. Шунингдек, «Ғиждувонконсерва» акционерлик жамияти ишлаб чиқараётган консервалар ҳам истеъмол қилишга яроқсиз бўлиб чиқди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Айрим турдаги маҳсулотларнинг сертификати ва маҳсулотларни сақлаш учун шароит йўқлиги боис шу йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган рейдлар давомида 250 га яқин савдо дўконларида харидорларга яроқлилик муддати ўтган товарлар таклиф қилинган. Тўғри, баъзи дўконларда мавжуд маҳсулотларга сертификатлар олинган-у, аммо уларнинг аксарияти тегишли тартибда тасдиқланмаган. Худди шундай аҳвол шаҳарнинг Акмал Икромов туманидаги «Ўктам диёр», «Арт ЛТД», «Фарруҳ ЛТД» фирмалари, «Нукус — Ялчинел» ва бошқа бир қатор корхоналарда ҳам кузатилди. Маҳсулотларнинг яроқлилик муддати ўтганлиги сабабли туман СЭС томонидан жуда катта миқдордаги консерва, қандолат ва макарон маҳсулотлари тортиб олиниб, истеъмолдан бутунлай чиқариб ташланди. Бундай ҳолатлар ҳақида кўплаб мисол келтириш мумкин. Зеро, шу вақтгача истеъмолчилар истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқига эга эмас эди. Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида қабул қилинган ушбу қонун бундай аҳволга барҳам берди. У ҳар бир истеъмолчининг тоза ва сифатли маҳсулот харид қилиши ҳамда унинг ҳуқуқи кафолатланиши йўлида муҳим дастур бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

**А. СТРЕЛЦОВ,**
**Б. ТОЛИПОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбирлари.**

• *БУГУННИНГ ГАПИ*

# ТИЖОРАТЧИ МАҲСУЛОТ СИФАТИГА КАФИЛМИ?

***Шу йил апрель ойининг охирги кунларидан бирида Самарқанд вилоят божхонаси ходимлари Бухородан йўлга чиққан 64-11 БХЛ рақамли юк машинасини тўхтатишди.***

Ҳужжатларда машинага 11 тонна сут порошоги ортилганлиги кўрсатилган бўлсада, ушбу маҳсулот солинган халталарда тегишли белгилар кўринмасди. Одатда ҳар бир корхона ўз товарига стандарт талаблари тақозо этган махсус ёрлиқлар ёпиштириши маълум. Ана шуларни эътиборга олиб, божхона ходимлари машинадаги сут порошогидан ярим килосини текшириб кўриш учун вилоят стандартлаш, метрология ва сертификатлаш ҳудудий маркази лабораториясига юборишди.

Ушбу марказ экспорт-аудитори С. Зубенконинг берган хулосасидан: «Қаерда тайёрланганлиги номаълум. Физикавий ва кимёвий хусусиятларига кўра, ГОСТ талабларига жавоб бермайди. Унинг таркибида оғир металл тузлари нисбати жуда юқори. Бу сут порошогидан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида фойдаланиш умуман жоиз эмас. Уни фақат чорва озуқасига аралаштириб, парранда ва молларга бериш мумкин».

Маълум бўлишича, П. Элбоев исмли киши сут порошогини тижорат дўконларида сотиш учун олиб кетаётган экан. Эҳтимол, унинг ўзи ҳам бу маҳсулотнинг инсон саломатлиги учун зарарли ва яроқсиз эканлигини билмагандир? Машинадаги юк божхона ходимлари назоратида Самарқанддаги паррандачилик корхоналаридан бирига топширилди.

Агар юқоридаги ҳодиса якка-ёлғиз бўлганида, бу ҳақда қоғоз қоралашга унчалик ҳожат ҳам йўқ эди. Лекин... Самарқанд божхонаси ходимлари апрель ойининг ўзида айнан шундай маҳсулот ортилган кўплаб машиналарни тўхтатиб қолишди. Жумладан, 26 апрель куни 13-94 КФ рақамли машинада 2700 килограмм, 17 апрелда 25-96 ТНБ рақамли автоуловда 7 тонна, яна ўша куни 80-81 БХЛ белгили машинада 5,5 тонна, 8 апрелда 7 тонна, 16 апрелда 4,5 тонна сут порошоги олиб кетилаётганлиги аниқланди. Ажабланарли жойи шундаки, ушбу маҳсулотларнинг аксарияти АҚШда тайёрланган. Баъзи бир «тижоратчи»лар мўмай даромад илинжида эл-юрт саломатлигига путур етказаётганликларини ўйлаб кўрмаётирлар. Табиийки, уларнинг кўпчилиги ушбу маҳсулотларни харид қилаётганда тегишли сертификати, таркиби, ёрлиғи билан қизиқмаган. Бундай эътиборсизликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Зеро, гап инсон саломатлиги устида кетмоқда.

Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунда тадбиркорлар, тижоратчилар учун кенг имкониятлар яратилган. Афсуски, баъзилар буни суиистеъмол қилишаётганга ўхшайди. Тижорат дўконларини айлансангиз, қаерда ишлаб чиқарилганлиги номаълум бўлган ғиж-ғиж маҳсулотларга кўзингиз тушади. Уларнинг кўпи чет элдан келтирилган бўлиб, истеъмол учун мўлжалланган. Турли хил сақичлару спиртли ичимликларни қўяверинг, ҳатто айрим турдаги сариёғ, маргаринлар таркибига ҳам озиқ-овқат саноатида ишлатилмайдиган моддалар қўшилганлиги аниқланган. Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг хулосаси шундан далолат беради. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Экспертларнинг фикрига қараганда, чет эллардаги йирик фирма ва компаниялар бир маҳсулотни уч хил категорияда тайёрлаш имконига эга. Биринчиси — ички истеъмол учун, иккинчиси — бошқа ривожланган мамлакатларга, учинчиси эса ривожланаётган давлатларга мўлжаллаб чиқарилиши мумкин.

Маълум бўлишича, ҳозир МДҲ мамлакатларига хориждан келтирилаётган ичимликлар, сигареталар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг саксон фоизи асосан учинчи тоифага мансуб. Демак, сифати ҳам шунга яраша.

Албатта, бу билан биз хориждан келтирилган барча маҳсулотларнинг сифати паст, демоқчимасмиз. Уларнинг орасида яхшилари, стандарт талабларига жавоб берадиганлари кўп. Асосий гап бошқа ёқда. Четдан мол-маҳсулот келтираётган тижоратчиларимиз унинг сифатига кафил бўлиб, истеъмолга нечоғлик яроқлилигини билиб олишса, чакки бўлмасди. Акс ҳолда ҳам пулга куйиб, ҳам бошқалар олдида юзлари шувит бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## МУЗОКАРАЛАРДАН НАТИЖА ЧИҚМАДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Канада Бош вазири Жан Кретьен БМТнинг тинчликни сақловчи кучлари Гаитида бўлиши ва унинг мандатини узайтириш масаласида музокаралар олиб боришди. Аммо томонлар ягона бир тўхтамга келиша олмади. Америка Қўшма Штатлари Кариб денгизи ҳавзасида ўз қуролли кучларини сақламаётган бўлса-да, аммо бу мамлакат 1995 йил март ойидан бери БМТнинг тинчликни сақловчи кучларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган эди. Айни ана шу кучлар Президент Жан Бертран Аристидани ҳокимиятга қайтаришган эди.



Сеул шаҳридаги тарихий обидалар.

## ГАРОВГА ОЛИНГАНЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия ва Норвегия элчилари Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларига келишди. Олинган хабарларга кўра, айирмачи жангарилар ғарблик тўрт нафар гаровга олинган одамларни йўқ қилишган. Ўтган йили июль ойида Кашмир тоғларида сайр қилиб юрган олти нафар сайёҳ Ал-Фаран гуруҳи томонидан қўлга олинган эди. Америкалик бир сайёҳ қочиб қутулишга муваффақ бўлган бўлса, норвегиялик сайёҳ эса жангарилар томонидан отиб ўлдирилган эди.

## ВАЛЬДХАЙМ АФСУСЛАНМАЯПТИ

Австриянинг собиқ Президенти Курт Вальдхайм таржимаи ҳолида илк бор фашистлар билан алоқа қилганлигини яшириб хатога йўл қўйганлигини эътироф этди. Бироқ у бундан афсусда эмас. Вальдхайм 1972 йилдан 1982 йилга қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби лавозимида ишлаган. У журналистларга берган баёнотида Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ва Европа Конгресси уни асоссиз равишда айблаётган эмиш.

## СИАНУК КАМБОДЖАГА ҚАЙТИШНИ МЎЛЖАЛЛАМОҚДА

Камбоджанинг 73 ёшли қироли Нородон Сиануркнинг миясини хитойлик врачлар томонидан текшириб кўрилганда у рак хасталигидан холос бўлганлигини аниқлашди. Ҳукмдор тез орада Камбоджага қайтишни мўлжаллаётганини билдирди. Сианукни миясида ўсма касаллиги борлиги 1993 йилда аниқланган эди. Уни кимё-терапия ва нур билан даволашди. Бу касаллик ҳақида жамоатчиликка билдирилмаган эди. Кўпчилик камбоджаликларнинг фикрига қараганда, Сианук мамлакатни бирлаштириши мумкин бўлган ягона йўлбошчидир.

• *Биротаям танқид натижасиз қолмайди*



# «УЯТ ЭМАСМИ, ДОМЛАЖОН?»

**(«Халқ сўзи», 1996 йил 30 март)**

***Мақолада пойтахтимиздаги касалхоналардан бирида дори-дармон етишмаслиги, беморларни даволашдаги лоқайдликлар ва шифохона раҳбариятининг ўзбилармончилиги хусусида танқидий фикр юритилган эди. Мазкур мақола юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигидан қуйидаги жавоб хати олинди:***

Мақола республика ва Тошкент шаҳар даволаш муассасаларининг раҳбарлари, илмий текшириш ва тиббиёт институти директорлари ҳамда ректорлари иштирокида муҳокама этилди. Унда келтирилган далиллар тўғри деб топилиб, бундай камчиликлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бошқа кўплаб муассасаларда ҳам учраб туриши уқтириб ўтилди.

Ушбу масала бўйича вазирликнинг махсус буйруғи чиқарилиб, юқорида кўрсатилган мақола соғлиқни сақлаш тизимидаги республикамизнинг барча муассасаларида, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларида муҳокама қилиниши билан биргаликда, барча касалхоналарда беморларнинг даволанишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, етарли дори-дармонлар, шприцлар ва шифобахш суюқликлар қуйиш учун бир маротаба ишлатиладиган системалар билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Муаллифнинг келтирган далиллари асосан Республика нейрохирургия марказига тааллуқли эканлиги инобатга олиниб, марказ фаолиятини чуқур ўрганиб чиққан ҳолда вазирликнинг 442-сонли буйруғи чиқарилди. Унга кўра, марказдаги ўринлар сонини 130 тагача камайтириш, республика аҳолисига нейрохирургия тиббий хизматини янада яхшилаш мақсадида 2-ТошМИнинг 2-клиникасида 40 ўринли, Таш ПТИ клиникасида 20 ўринли ва Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиника касалхонасида 40 ўринли ихтисослаштирилган нейрохирургия бўлимларини ташкил қилиш ва унга раҳбарлик фаолиятини кучайтириш учун клиника бош врачи лавозими киритилди. Клиника 1-ТошМИ нейрохирургия кафедрасидан алоҳида қилиб ажратилди, унинг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида ҳозирги замон тиббиёт асбоб-ускуналари, доривор воситалар, қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан таъминланмоқда.

**Б. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг муовини.**

***ТАҲРИРИЯТДАН:** мақола чоп этилгач, редакциямизга кўплаб мактублар келди. Республикамизнинг турли бурчакларидан йўлланган мазкур хатларда фуқаролар мақола хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Уларнинг бир қисмида мақола муаллифига эътироз билдирилган бўлса, яна бир қисмида «бундай шифохоналар бошқа жойларда ҳам кўплаб топилади», қабилидаги мулоҳазалар баён қилинган. Мактублар билан танишиш жараёнида шунга амин бўлдикки, мақола газетхонларнинг ташвишу дардларини изҳор этишга, шифохона ва ҳакимлар тўғрисида холис мулоҳаза юритишга бир туртки бўлган.*

*Маълумки, ҳар бир инсоннинг жамиятда ўз ўрни, ўз овози бўлмоғи лозим. Шундай экан, мақола хусусида билдирилган фикрлар мутлақо табиий. Бизга йўлланган мактублардан имкон қадар фойдаланамиз.*

## САХОВАТ

Муборак газни қайта ишлаш корхонаси маъмурияти Яккабоғдаги қариялар уйига 60 минг сўмлик иссиқ кийим-кечаклар юборганди. Яқинда бу ердан Яккабоққа яна совға юборилди. Бу гал газни қайта ишловчилар қариялар уйида истиқомат қилаётганлар учун 120 минг сўмликдан зиёд дори-дармонлар, тиббиёт игналари жўнатдилар.

Қарши ёғ-экстракция корхонаси ишчи-хизматчилари ҳам ўз мурувватларини кўрсатишди. Улар қариялар уйига 400 килограмм ўсимлик ёғи ва минг дона хўжалик совуни ҳадя этишди.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Жарқўрғон туманидаги Т. Шабуров номли жамоа ғаллакорлари бу йил 3920 тонна ҳосил олиш ниятидалар. Хўжаликда айни кунларда ўрим-йиғим авжида.*

*Суратда: илғор комбайнчи А. Кучкелдиев ва бригада бошлиғи Б. Холиёров.*

**И. Хўжаев (ЎзА) тасвирга олган.**

• *Бизнинг шарҳ*

# РОССИЯ: САЙЛОВОЛДИ КУРАШЛАР АВЖ ОЛМОҚДА

***Табиийки, эндиликда Россияда ҳокимиятга келадиган кучлар жаҳон сиёсатига ҳал қилувчи бўлмаса-да, лекин сезиларли даражада таъсир этиш имконига эга. Яна бир неча кундан кейин бу мамлакатда бўладиган сайловлар ана шу жиҳати билан ҳам характерлидир.***

Президентлик сайловлари яқинлашгани сари номзодлар ўртасидаги ўзаро кураш ҳам тобора авж олмоқда. Маълумки, коммунистлар раҳбари Г. Зюганов тарғибот-ташвиқот ишларини ҳаммадан илгари бошлагани учун рейтинг бобида анча илгарилаб кетган эди. Бироқ Б. Ельцин сайловолди учрашувларини кучайтиргач кўп жиҳатдан Г. Зюгановга етиб олди ва баъзи масалаларда ундан ўзиб ҳам кетди.

Яқинда Россия Президенти Б. Ельцин Пермь шаҳрида ўзининг сайловолди дастурини халқ ҳукмига ҳавола этди. «Менинг ҳаракат дастуримда сиз амалга ошмайдиган қуруқ ваъдалар, чиройли шиорларни топа олмайсиз, — деди у шаҳар фуқароларига мурожаат қилиб, — унда сўнгги беш йил ичида амалга оширилган ишлар, шунингдек, бундан кейинги тўрт йил давомида қандай ишларни амалга оширмоғимиз, қай тарзда яшашимиз, пировард мақсадга эришиш — бутун Россия, барча россияликлар учун тинч, фаровон ҳаётни таъминлаш учун нималарга эътибор беришимиз баён қилинган».

Борис Ельциннинг 1996-2000 йилларга мўлжалланган «Россия: инсон, оила, жамият, давлат», деб аталган ҳаракат дастури уч қисмдан иборатдир. Унинг асосий қисми «Эркинлик», «Маънавият», «Саломатлик», «Иқтисодий тараққиёт», «Ижтимоий адолат», «Ҳуқуқий тартиб», «Мудофаа ва ташқи сиёсат манфаатларини таъминлаш», деб номланган етти бобдан иборат. Жамиятда ижтимоий адолат ўрнатилишидан ҳар бир сайловчи манфаатдордир. Буни ҳисобга олиб, дастурнинг ижтимоий адолат ҳақидаги боби матбуотда тўлиқ эълон қилинди. Унда энг кам ҳаётий стандартлар жорий этиш, одамларни иш билан таъминлаш, уларга зарур касбларни ўргатиш, нафақа ва ижтимоий тўловларни тартибга солиш, ёшлар сиёсати, уй-жой қурилиш масалаларига, ижтимоий сиёсатни амалга оширишга катта эътибор берилган.

Ҳозирда Россия ва чет эллардаги таниқли иқтисодчи олимлар Борис Ельцин дастурини Президентликка даъвогар бошқа номзодларнинг дастуридан ҳар жиҳатдан мукаммал ва реал ҳаётий фактларга асосланган ҳужжат сифатида кенг баҳоламоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, сайлов куни яқинлашган сайин турли блокларга бирлашиш, коалициялар тузиш учун интилишлар кучаймоқда. А. Тулеев президентликка номзодликдан воз кечиб, Г. Зюгановни қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Бундан бир неча кун олдин эса Г. Зюганов ва либерал демократик партия бошлиғи В. Жириновский ўртасида ўзаро учрашув бўлиб ўтган эди. Уларнинг мазкур мулоқоти кўпчиликни ташвишлантириб қўйгани ҳам сир эмас. Воқеаларнинг бу каби давом этиши Россия Президентлик лавозими учун кураш асосан Б. Ельцин ва Г. Зюганов ўртасида бўлишидан далолат бериб турибди. Б. Ельцин Россияа туб иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш ниятида бўлса, коммунистлар эса мавжуд тузум ва ҳукумат фаолиятини танқид қилиш билан бирга тузумни ўзгартирмоқчи, яна бир инқилобий ўзгаришни амалга оширишмоқчи эканликларини рўй-рост айтмоқдалар. Беш йил ичида амалга ошириладиган иккита инқилобга ҳеч қандай давлат дош бера олмайди. Коммунистларнинг дастури эски совет методлари — хусусий мулкчиликни кескин камайтириш, саноатнинг бир қанча соҳаларини миллийлаштиришни эслатиб турибди. Эски тузумга қайтгудек бўлинса, халқнинг турмуш даражаси янада пасайиб кетади. Ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, бунёдкорлик эмас, вайронагарчилик авж олади. Бу тарихий ҳақиқатдир.

Бугунги Ельцин реалист амалиётчи, йирик давлатни идора эта оладиган, шунингдек халқаро муносабатларда катта тажриба орттирган давлат арбобидир. Бизнингча, бугунги кунда Россияда давлат бошлиғи лавозимига ундан-да муносиброқ номзод йўқ. Б. Ельциннинг йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, ишчиларга маошларини ўз вақтида тўлаш, нафақаларни кечиктирмай етказиб бериш, аҳолининг омонат жамғармаларига қўйилган маблағларини индексация қилиш, Чеченистондаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш борасидаги сайъ-ҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ҳозир Россиядаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш туфайли чет давлатлардан катта миқдорда маблағ ўтказиб турилмоқда. Иқтисодиётнинг юксалишида бу ёрдам жуда қўл келаяпти. Борди-ю, Зюганов ҳокимият тепасига келса, унда чет эл инвестициясининг тўхтатиб қолиниши ҳеч гап эмас. Бу албатта, икки кучли номзоднинг бир-биридан устунлигининг бир кичик кўриниши, холос. Лекин мазкур сайлов натижалари жаҳондаги сиёсий ва иқтисодий аҳволга таъсир этмай қолмаслигини ҳам унутмаслик керак. Россия коммунистларининг тарих саҳнасида 70 йилдан ортиқ ҳукмронлигидан қаттиқ эзилган, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, сабр косаси тўлган фуқаролар бу ҳолатни яхши англайдилар. Ана шу кишилар қудратли Россия давлати тепасига келадиган одил раҳбар учун овоз беришлари шак-шубҳасиздир.

**Анвар КАРИМОВ,**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг сиёсий масалалар бўйича шарҳловчилари.**

• Иқтисодиёт қирралари

# ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...



***Транспорт — иқтисоднинг қон томири, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ҳукуматимиз транспорт қатновини яхшилаш, самарадорлигини ошириш учун мавжуд йўлларни кенгайтириш, янги темир йўллар қуришга жиддий эътибор бериб келаётганлигининг боиси ҳам шунда.***

Ҳозирги кунда «КамАЗ», «МАЗ», «ГАЗ» каби юк уловлари сафига хориждан «Мерседес» «Вольво» каби кўплаб автомашиналар кириб келмоқда. Лекин сон ва самара жиҳатидан юк ташиш борасида «КамАЗ» машиналари республикамизда асосий восита бўлиб турибди. Уларнинг сони хусусийлардан ташқари 38 минг донани ташкил қилар экан.

Хўш, уларга техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, керак бўлса янги машиналар олиб келтириш билан қайси ташкилот машғул? Корхонаю ташкилотларга, бу борада пойтахтимиздаги автомарказлардан бири «КамАЗ» «Ўзбек — Рус» қўшма корхонаси беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилган мазкур жамоа мижозларга ўтган йили жами 32 миллион сўмлик эҳтиёт қисм келтириб берди. Бу 1994 йилдагига нисбатан 14 миллион сўмлик кўп демакдир. Агар битта «КамАЗ» бир кунда ўртача 10 минг сўмлик иш бажаришини эътиборга олсак, бу эҳтиёт қисмлар қанчалик асқотганини тасаввур этиш мумкин.

Шунингдек, қўшма корхона ўтган йили 547 минг сўмлик таъмирлаш ишларини ҳам бажарди. Демак, ўнлаб машиналар ҳайдовчиси ва корхоналарга иқтисодий барака келтирган.

120 кишилик жамоанинг ишчи хизматчилари билан суҳбатлашиб, шунга иқрор бўлдик-ки, бу ерда ҳамма ўз ишидан мамнун ҳолда меҳнат қилмоқда.

— Беш йилдан буён шу даргоҳда ишлайман, — дейди таъмирловчи уста Алишер Нажмиддинов. — Ҳунаринг бор бўлса, хор бўлмас экансан киши. Ҳар ойда 7500 — 7800 сўм маош олиб турибман. Касбим, жамоам ўзимга ёқади...

— Айримлар иқтисодий қийинчиликлар, Ҳамдўстлик Давлатлари билан ўзаро алоқалар узилиб қолганини рўкач қилишиб, ўз корхонасини қарзга ботириб қўйишмоқда, — дейди корхона касаба уюшмаси раиси Мирҳомид Азимов — Бизда бундай ҳол юз бергани йўқ. Россиялик биродарларимиз билан алоқамиз жуда яхши. Оғир шароитда шерикларимиздан мол айирбошлаш эвазига эҳтиёт қисмлар, машиналар олиб келдик. Эндиликда жамоамиз оёққа туриб олди. Мижозларга ҳам хизмат кўрсатиш миқдори тобора ортиб бормоқда. Ишчи-хизматчиларимиз ойлик маош ва пул мукофотларини пайдар-пай ўз вақтида олиб турибди. 1993 йилда бир кишининг ўртача ойлик иш ҳақи 301 сўм бўлган. Ўтган йили 1694 сўмни ташкил этди. 1996 йилнинг биринчи чорагига келиб, бу рақам 5261 сўмга ўсди. Жамоамиз учун соғломлаштириш мажмуаси қураяпмиз. Бир ойдан сўнг сауна, сув ҳавзаси, тиббий муолажа хоналари ишчиларимизга хизмат қила бошлайди.

Мен Тошкент «КамАЗ» автомарказида ишлар бир маромда кетаётганидан, мижозларга кўрсатилаётган хизмат турлари ортиб, сифати яхшиланаётганидан «корхонада муаммолар йўқмикан» деган хаёлга бордим. Бу фикримни жамоа раҳбари Пётр Талис англади шекилли:

— Бизнинг ҳам ўзимизга яраша муаммоларимиз бор, албатта, — дея гап бошлади у. — Биз қанчалик кўп маҳсулот олиб келсак, кўпроқ хизмат кўрсатсак, шунча яхши эҳтиёт қисмлар ва хизматимиз учун кўпи билан 5 фоизгача устама нарх қўямиз, холос. Мақсадимиз, мижозларимизга кўп ва арзон эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш. Россиядан олиб келаётган автомошиналар, керакли ускуналар қанча қиммат бўлса, мижозларга ҳам шундай нархда сотишга мажбурмиз. Бу — нарх-навонинг баландлигига олиб келади. Арзон баҳода келтирсак, арзонроқ сотамиз. Оқибатда, биздан эҳтиёт қисмлар ёки машина сотиб олган автокорхоналар ҳам ўз мижозларига кўрсатаётган хизматлари учун пастроқ нарх қўйишади. Бундан давлатимиз ҳам, халқимиз ҳам наф кўради. Афсуски, ҳозирча биз олиб келаётган эҳтиёт қисмлар ва техника бироз қимматга тушмоқда. Сабаби бизда сўмни эркин валютага давлат баҳосида алмаштириш имкони йўқ. Тижорат банкларида эса доллар қарийб икки баробар қиммат.

— Корхонангиз юридик мақомга эга экан, патент олсаларингиз бўлмайдими? — сўрайман директордан.

— Бўлади, албатта. Биз барча ҳужжатларни тайёрлаб, тегишли идораларга топширганмиз. Лекин уч ойдан буён жўяли бирор жавоб ололганимиз йўқ. Насиб бўлса, яқин кунлар ичида бу масала ижобий ҳал этилса керак. — Янаям ким билади, дейсиз. Ахир ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг, битта машина минга яқин эҳтиёт қисмдан иборат. Уларнинг биттаси ишламаса, машина йўлга чиқмайди. Бундан ким зарар кўради? Ҳайдовчи маошсиз, корхона даромадсиз қолади. Мижознинг юки ташилмайди ёки улов камлигидан хизмат ҳақи кўтарилади. Айтмоқчиманки, олиб келаётган маҳсулотимиз қанчалик арзон бўлса, халқимизга шунчалик яхши.

Мазкур корхонадан қайтар эканман, жамоанинг оддий ишчилари мендан Пётр Талиснинг шу кунларда 50 ёшга тўлиши муносабати билан уни газета орқали қутлаб қўйишимни илтимос қилишди.

Халқимизда қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган мақол бор. Бу мақол Тошкентдаги «КамАЗ» автомаркази амалга ошираётган ишларга ҳамоҳангдир.

**Тоҳир ДОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Фан фидойилари



***Иқтисод фанлари доктори, профессор Бозорбой Беркинов иқтисодий кибернетика фанининг ижтимоий-иқтисодий тизимларда бошқарув ва моделлаштириш соҳаларининг назарий ҳамда амалий муаммоларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган жонкуяр иқтисодчи олимларимиздан биридир.***

# УСТОЗ ЎГИТЛАРИ

Домланинг эллик йиллик ҳаёт йўли ва ўттиз йиллик илмий фаолиятига назар ташласак, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз.

Б. Беркинов аспирантурада ўқиши ва кейинчалик кибернетика институтидаги илмий меҳнат фаолияти давомида янги йўналиш бўлган иқтисодий-кибернетика муаммоларини тинимсиз ўрганди, тегишли илмий хулосаларга эришди ва 1975 йили Тошкент халқ хўжалик институти махсус кенгашида Ваҳоб Абдураззоқов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

У шу давр мобайнида кибернетика институти илмий жамоатчилиги ичида ўз мавқеига эга бўлди, институтнинг кичик илмий ходими даражасидан лаборатория мудири лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Б. Беркинов кўп йиллик илмий амалий тадқиқотлари натижалари асосида 1991 йил академик В. Қобулов ва профессор Г. Беснахотнийлар раҳбарлигида «Пахтачилик зонасида қишлоқ хўжалигини юритиш тизимларини моделлаштириш» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади ва иқтисод фанлари доктори деган юксак илмий даражага етишди. Домлага 1992 йилда профессор унвони берилди.

Маълумки фозил инсонларнинг салоҳияти уларнинг илму фан ривожиға қўшган ҳиссалари, бу борада тайёрлаган шогирдларининг самарали илмий изланишлари билан белгиланади. Шу жиҳатдан Б. Беркинов сермаҳсул устоздир. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида диссертация ёқлаб, илмий даражага эга бўлган 50 га яқин шогирди нафақат республикамиз, балки МДҲ мамлакатлари ва бошқа баъзи хорижий мамлакатлар илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ҳамда бошқарув ташкилотларида муваффақиятли ишламоқда.

Бугунги кунда республикамизда домланинг илмий мактаби юзага келди, десак муболаға бўлмайди. Бу мактабнинг бир қисми Жиззах вилояти олий ўқув юртларида, айниқса, Жиззах педагогика институтида, вилоят бошқарув ташкилотларида муваффақиятли фаолият кўрсатаётир.

**С. УСМОНОВ,**
**А. ШАМСИЕВ.**

# ШАНБАЛИК

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш халқаро куни муносабати билан Жиззах воҳасида шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, атрофимизни ўраб турган табиат саҳоватини асраш бўйича «Табиат — умумий уйимиз» дастури теграсида зарбдор ўн кунлик ўтказишга қарор қилинганди.

Мана шу ҳайрли тадбирга бағишлаб шанбалик ҳам ўтказилди. Ундан тушган маблағ «Экосан» халқаро жамғармаси манфаатлари йўлида сарфланади.

**Ҳ. НАБИРАЕВ.**



*Митти чавондоз.*
Р. Шагаев (ЎзА) сурат лавҳаси.

# ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

***Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузиш қандай жазоланади?***

**Ғ. Шаймонов,**
**Чироқчи тумани.**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-моддасига мувофиқ, фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек, солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларини тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Касса операцияларини юритиш тартибини ва тўлов интизомини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

* * *

***Жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган кишига қандай чора қўлланилади?***

**Ш. Товбоев,**
**Ўртачирчиқ тумани.**

Юқорида номи зикр этилган кодекснинг 187-моддасига биноан, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш,— энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

* * *

***Тунда ҳар хил шовқин-сурон билан кишиларнинг оромини бузган шахсларга ҳам қонуний жазо борми?***

**У. Нурманов,**
**Навоий шаҳри.**

Тунгги вақтда — соат 23.00 дан 6.00 гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар-жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар-жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса,— учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.


"Эйнаб" компанияси Исроил

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва чорвачилик мажмуаларида замонавий технологияларни жорий этади.
Техник ва профессионал жиҳатдан йўналтириб боради.

Сутни, гўштни қайта ишлайдиган, колбаса ва бошқа дудланган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, мева қуритадиган, томат пастаси ва кетчуп, музқаймоқ ва шарбатлар ишлаб чиқарадиган мўъжаз заводлар, мўъжаз нонвойхоналар ва тегирмонлар, қадоқлаш материалларини тавсия этади.



Мавжуд ва янгидан қурилаётган сутчилик ва бўрдоқичилик фермаларини такомиллаштиради, ускуналар етказиб беради ва янги технологияларни жорий этади.

Тел.: 36-76-96, 36-24-01, 33-92-40.

"Нетафим" компанияси Исроил
ТОМЧИЛАТИБ ВА ЁМҒИР УСУЛИДА СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ
ишлаб чиқараётган жаҳондаги етакчи компаниялардан.
Энг такомиллашган ускуналар билан жиҳозланган
ИССИҚХОНАЛАР
тавсия этади,
мавжудларини такомиллаштиради ва янгиларини қуради.
БУЛАР-ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШГА КАФОЛАТДИР.



Мурожаат учун тел.:
(3712) 33-92-40, 33-65-19, 36-24-01,36-76-96

"Ўзэлектрасбобсавдо" ва "Ўзэлектркабелсавдо"
ҳиссадорлик жамиятлари

3000 дан ортиқ турдаги электротехник асбоб-ускуналари, кабель сим ва халқ истеъмоли маҳсулотлари билан шу йилнинг 25-26 июнида савдо ярмаркаси ўтказади.

Барча давлат ташкилотлари, вазирликлар, кичик корхоналар, фермерлик хўжаликларини мулк шаклидан қатъий назар, ўтказиладиган савдо ярмаркасига таклиф этамиз.

Ярмаркада маҳсулотлар устама нархи 50 фоизгача арзонлаштирилган баҳода сотилади.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

МАЛКОМ
Тошкент, У. Носир кўчаси /Ш. Руставели/, 91, 4-қават /"Қардошлик қабристони" бекати/.
Тел. (3712) 50-6941, 33-9951, 50-3286

НУСХА ОЛИШ Canon ТЕХНИКАЛАРИ

| | |
|---|---|
| PC-310, E-16 ярим автомат, тўла комплект | 43996 |
| PC-330, E-16 автомат, тўла комплект | 53900 |
| PC-530, E-16 автомат, тўла комплект | 64900 |
| ФОТОАППАРАТ професс. ZOOM 35-135 мм | 38000 |

ФАКСЛАР Panasonic

| | |
|---|---|
| *Факс-ксерокслар:* | |
| KX-F-3100 лазерли, оддий қоғ., автожавоб 70 бет | 77513 |
| KX-F 500/555* (чет тил. рус. тилига) | 32019 |
| KX-F 700/750* (чет тил. рус. тилига) | 41744 |
| *Телефонлар:* | |
| KX-T3908 cordless phone | 9343 |
| KX-T3968/2 P-тел. ,2-клавиатурали, спикерфон | 12930 |
| KX-T9500 радиотелефон 1 км | 22059 |

ФАКСЛАР SAMSUNG ЯНГИЛИК!
ЮҚОРИ ЎТКАЗУВЧАН ВОСИТА

| | |
|---|---|
| SF-800 автожавоб, дисп. (ўхшаши PANASONIC KX-F700) | 29900 |
| SF-100 автожавоб, PERSONAL FAX (ўхшаши KX-F500) | 26900 |
| SP-R-916 радио-мини АТС, 1 км, 4 тагача абонент | 27723 |

CASIO

| | |
|---|---|
| *Стереоплейр, 9 хил,* приёмниги билан лазернийси ҳам киради, соат-будильникли | 2000 ва юқори |
| *Бухгалтерлик калькуляторлари, илмий ва ҳ.к.* | |
| *D 20 12 разр., катта дисплей (бух.)* | 937 ва юқори |
| *Чўнтак калькулятори, 15 хил* | 140 ва юқори |
| *Ишхона, девор соатлари, будильниклар* | 1300 ва юқори |
| *Қўл соатлари, 17 хил:* тиббий, мусулмонликка оид, TV-AUDIO бошқарувли, ён дафтарчали, рангли | 1100 ва юқори |

GENERAL ELECTRIC (USA)

| | |
|---|---|
| *Телефонлар:* | |
| GE 2-9230/9233, икки линияли, 12 абонент хотирали | 2673 |
| GE 2-9170, 12 абонент хотирали | 3469 |

CASIO Tokyo, Japan
ЯНГИЛИК!
БУХГАЛТЕРИЯ УЧУН
12, 14, 16
РАЗРЯДЛИ
1.400 сўм
ва юқори



BIG DISPLAY
ИККИ ТОМОНЛАМА - қуёш энергияси ва батареядан, ҚУВВАТ ОЛАДИ:
кафолат муддати - уч йил
Тел.: 50-6941, 33-9951, 50-3286

"ШНУРСИЗ" чойнаклар, французча хушбичим, европача сифатли. Сиғими 1,2 дан 2 литргача. Коллекцияда шунингдек, икки ҳароратли DUETO, олтин иситгичли, хлорга қарши GOLD фильтри ва бошқалар ...
Шунингдек, металлокерамикали, куймайдиган француз ДАЗМОЛЛАРИ.
МАЛКОМ
Тел.: (3712) 50-6941, 33-9951, 50-3286

FRANCE 11 ХИЛ
TEFAL
FREE CORDS



Ташкилот
қаймоғи олинмаган сут ўрнига бузоқларга ичириладиган сунъий сут
сотади:
ГОЛЛАНДИЯДА ТАЙЁРЛАНГАН



Маҳсулот таркибида бузоқларнинг соғлом ўсиши учун барча зарур моддалар мужассамлашган.
Қаймоғи олинмаган сутдан анча арзон
Тел. Тошкентда: (3712)
33-92-40, 36-76-96. 36-24-01.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раҳбарияти ва Котибияти Котибият масъул ходими Т. Т. Шоҳназаровга онаси
**Таисия ЛИСКОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси факультети деканати ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди Зикрилло Мирхоликовга отаси
**Мирсолиҳ МИРХОЛИҚ ўғлининг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон радиоси «Тошкент» студиясининг бош муҳаррири А. Р. Даминовга синглиси
**Севара ДАМИНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ORIENTAL EXPRESS» инвестицион хөлдинг» компанияси жамоаси компания президенти Ш. Р. Даминовга опаси
**Севара ДАМИНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

